



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 17 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 196 (14.043)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, БУ БОРАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Маълумки, мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг бош мезони бўлиб келмоқда.

Ортимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қондаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш гоят муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Мамлакатимизда жадал суратлар билан олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар негизда, авваламбор, Конституцияимизда белгиланган давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги қондалар амалда татбиқ этишдек эзгу мақсад муҳимаси экани ҳам айнан шунини таъкидлаш мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун кўплаб янги қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни вақтда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш қонун бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши самарали курашни ҳамда бундай ҳолатнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантириши талаб этилмоқда.

Қонунчиликни мустаҳкамлашда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш гоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳар бир шахсда қонунарга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муҳитини шакллантириши кун тартибига энг асосий масала қилиб қўймоқда.

Шу билан бирга, Конституция ва қонун устуворлиги аришида жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш, оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонунчилик ҳақ-ҳуқуқларига ҳар қандай шаклда таъйик ўтказишга йўл қўйилмаслик ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Амалга оширилаётган ислохотлар самардорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни кучайтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда белгиланган берилган вазифаларга мувофиқ Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқланган.
2. Дастурни амалга оширишнинг асосий мақсади этиб қўйилган пировард натижаларга эришиш белгиланган: Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар билан таъминлаш, ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахсларда Конституция ва қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш; Конституция ва қонун устуворлигига эришишда давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини таъминлаш, мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш;

одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва чинакам мустақиллигини таъминлаш;

давлат ва жамият бошқарувида, давлат органларининг қонунчилик фаолиятида очиқлик ва ошқоралик тамойилларини кучайтириш, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларини халқ манфаати йўлида хизмат қиладиган идораларга айлантириш;

Конституция ва қонунларда белгиланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият сифатида янада мустаҳкамлаш, мулк дахлсизлигини қасолатлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:
 - а) 2020 йил 1 мартдан бошлаб: аҳоли масканларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ободонлаштириш, шунингдек, уларда комплекс қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга оид қарорлар дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўрталарида муҳофаза қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилди; жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар қабул қилинганидан (расмийлаштирилганидан) кейин бир кун мuddатда тегишли ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади;
 - б) 2020 йил 1 апрелдан бошлаб: шахсини ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунириш, ҳимоядан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилади; ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурий юкланди;

(Давоми 2-бетда)

САЙЛОВ – 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан "O'zliDeP ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишдан манфаатдор" ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси номидан "Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида тутган ўрнини янада юксалтиришимиз" сарлавҳали мақолалар эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИЧА САЙЛОВЛАР

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХХТ ДИИХБ) расмий веб-сайтида тузилма миссиясининг Ўзбекистонда ўтаётган парламент сайловларини кузатиш бўйича 25 ноябрь – 10 декабрь мuddатдаги дастлабки оралиқ ҳисоботи эълон қилинди.

Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланган 2016 йилдан кейинги даврда мамлакатимизда илк бор парламент сайлови бўлиб ўтмоқда. "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар!" шiori остида ўтаётган бу сиёсий жараён юксак марраларга эришишга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш даврига тўғри келди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳисобот ЕХХТ ДИИХБ тарихида 1999 йилдан бундан Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш билан боғлиқ барча ҳисоботлардан кескин фарқ қилади. Унда, жумладан, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва сайлов таърибасини такомиллаштириш соҳасида сезиларли ўсишга эришилгани эътироф этилган, ҳукуматнинг жамоат ва давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш йўлидаги аниқ сай-ҳаракатлар қайд этилган.

Ҳисоботда мамлакатни ислох қилишнинг муҳим йўналишлари, жумладан, демократик ўзгаришлар даврида парламент ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, қонун устуворлиги, судлар мустақиллиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазасини таъминлаш чоралари қўри-лаётгани келтирилган.

ЕХХТ миссияси ўз ҳисоботида бўлажак сайловлар сезиларли даражада янгиланган ҳуқуқий тизим доирасида ўтказилишини таъкидлайди. Сайлов қонунчилигида жорий этилган янгиланишлар ЕХХТ ДИИХБ томонидан олдиндан тавсия этилган бир неча марта овоз бериши истисно этилган сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати татбиқ этилиши, Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат депутатлик ўринлари учун қўталар бекор қилиниши, сайловчиларга биттадан ортиқ сиёсий партияларнинг сайловда қатнашини қўллаб-қувватлаш учун имзо қўйиш ҳуқуқининг берилиши, сайлов округларидаги сайловчилар сонининг энг юқори фарқи 10 фоиз даражасида белгиланиши, ижтимоий хавф туғдирмайдиган, оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаётган шахсларга сайловда овоз бериш ҳуқуқи берилиши каби тавсияларига мессажда сайлов қонунчилиги оид янгиланиш ишобий баҳоладан.

Марказий сайлов комиссиясининг ишобий кўринишида тақдим этилган. Таъкидланишича, Комиссия аъзоларининг сони 16 нафардан 21 нафаргача, таркибидagi аёллар сони 3 нафардан 7 нафаргача кўнайди. Сайловларни ўтказиш тартиби ва мuddатларига қатъий риоя қилинаётгани билдирилган. Марказий сайлов комиссияси расмий сайти доимий равишда янгиланиб турадиган маълумотларга бой эканига эътибор қаратилган.

Ҳисоботда Марказий сайлов комиссияси томонидан, жумладан, ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, сайловчиларни кенг хабардор қилиб бориш, сайлов комиссияси ишга тушириб, амалиётга татбиқ қилиш, ноғиронлиги бўлган шахслар учун шaroитлар яратиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар оиб борилгани ҳақида маълумот берилган.

ДИИХБ ҳисоботида, шунингдек, аввалги йилларда "ҳорғин" ва "деярли сезилмайдиган" дея баҳоланган, сайловчилар учун ҳақиқий танлов имконини бермаган сайловолди ташвиқоти моҳияти 1999 йилдан бери биринчи марта баъзи кескин танқид қилинмоқда.

ДИИХБнинг тан олишича, Халқаро матбуот маркази биринчи марта бешта сиёсий партия вакиллари ўртасида дебатларни ташкиллаштиришда, дастурлар жонли эфирда намойиш қилинмоқда. Таъкидланишича, сайловолди ташвиқотининг энг таъсирли шакли сифатида ижтимоий тармоқлар, хусусан, "Facebook" ва "Telegram"дан фойдаланиш ҳисобланади. "Мустақил шарҳларнинг муҳим манбаи саналган блогерларнинг фаолияти"га урғу берилган.

Бундан ташқари, ЕХХТ ДИИХБ ҳисоботида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига биринчи марта сайловларни кузатиш ҳуқуқи берилгани, қўйи палатага вазирилган номзодларини тасдиқлаш ваколати берилиши орқали парламент ролининг кучайтирилгани, нодавлат нотихорат ташкилотларига қўлай шaroит яратилгани, депутатликка номзодлар орасида аёлларнинг улуши 41 фоизгача ва бошқа миллат вакиллари улуши 8,4 фоизгача ошгани ҳақидаги маълумотлар ҳам бор.

Шу билан бирга, миссия ҳисоботида турли ўшмаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини, фикр билдириш ҳуқуқини таъминлаш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлиги ҳақида тавсиялар мавжуд. Депутатликка мустақил номзодлар кўрсатиш институтини жорий этиш орқали фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кенгайтириш заруригига эътибор қаратилади. Сиёсий партияларнинг жамоат жойларида партиялар ва уларнинг номзодлари тўғрисидаги реклама материалларини жойлаштириш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш, шунингдек, сайлов кампанияси фойдаланишда ташкил этилишини таъминлаш қўлай интернетдан фойдаланиш мақсада мувофиқлиги тўғрисида фикрлар билдирилган.

ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг ҳулосасида таъкидланишича, журналистлар мунозаралар пайтида кутарилган сиёсий масалаларни муҳофаза қилиш, сиёсий партиялар, улар номзодларининг сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва очиб бериш бўйича ишларни кучайтириши керак.

ЎЗРО МАНАФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИАТ

Токио шаҳрида 16 декабрь кунини Ўзбекистон – Япония бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Япония ташқи савдо ташкилоти – JETRO ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда икки мамлакат ташқи савдо, сармоя, автомобилсозлик, геология, энергетика, нефть-кимё, қурилиш, коммунал хўжалик, тўқимачилик, чарм-пойабзал, сайёҳлик каби соҳалар учун масъул вазирилари ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умироков, Япония Бош вазири Ўринбосари, молия вазири Таро Асо ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тизимли, кўп қиррали тус олганини таъкидлади.

Бугунги кунда Япониянинг етакчи компаниялари Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириб, ички бозорга кириб келмоқда. Бу кўчаркорт юрт саноати ва ишбилармонларнинг мамлакатимиз иқтисодий имкониятлари ва унинг келажига қизиқиши ортаётганидан далолатдир.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда бозор иқтисодийётига асосланган очик, демократик ислохотлар Япония компанияларининг мамлакатимизда муваффақиятли фаолият ўрнатиши учун зарур шaroит яратилади. Бизнес-форумда япониялик ишбилармонларга Ўзбекистонда жорий этилган имкониятлар ҳақида маълумот берилиб, ўзаро манфаатли лоийҳаларни амалга оширишга таклиф қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон ҳукумати Япония компаниялари билан доимий шериклишни йўлга қўйиш мақсадида ҳамкорлигини янги йўналишларини шакллантиришни таъминлайдиган иш тизимини жорий этгани таъкидланди. Эндиликда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида ташкил этилган алоҳида департамент япон компаниялари билан кўнлик режимида иш олиб боради. Ортимизда давлатнинг иқтисодийётига роли тобора пасаймоқда. Натияжада соғлом рақобат ривожланиб, хусусий мулк ҳимоя қилиняпти. Утган ой мамлакатимизда бизнес юритишдаги тўсиқларни бартараф этиш ва хоржий шериклар учун энг қўлай шaroит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Хоржий инвесторлар кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, солиқ тизимни такомиллаштирилмоқда, ўтган йил давомида солиқ юки сезиларли даражада камайтирилди, бир қатор мажбурий тўловлар бекор қилинди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2019 йил 14 декабрь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хоржий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланган сенаторлар ишчи "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳофаза қилишдан бошлади.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини янги тархирда қабул қилиш назарда тутилган. Таъкидланганидек, кодекс Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисидаги" Фармонини самарали ижро этиш мақсадида тўлаб чиқилди.

Қонун иқтисодийётига ушбадан солиқ юкни камайтиришга, солиқ солишини соддалаштиришга ва умумбелгиланган тизим бўйича солиқлар тўлайдиган ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида солиқ юки даражасидаги тафовутларни бартараф этишга қаратилган. Солиқларни унификациялаш, ўрнатиш солиқ солиш базасига эга солиқларни бирлаштириш орқали улар сонини камайлатириш, ҳисоботларни камайтириш ва соддалаштириш, операция ҳаражатларини камайтириш назарда тутилмоқда.

Қонун макроеқтисодий вазият, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ва унинг даромадларини шакллантириш барқарорлигини таъминлашга, солиқ қонунчилигини соддалаштиришга, солиқ

муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар ва тафовутларни бартараф этишга, виждонли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган.

Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларга кўра келгуси йилдан солиқ турлари 13 тадан 9 тагача қисқартрилмоқда. Хусусан, ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинмоқда.

Солиқ назорати ўтказилишининг янги тартиби жорий этилмоқда, у солиқ органларига камерал, жойига чиққан ҳолда текшириш ва солиқ аудитини ваколатли орган билан келишимасдан таҳлила-таҳлил дастури асосида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Бундан ташқари, солиқлар ва йиғимлар, шунингдек, бошқа мажбуриятларни ҳисоблаш ва тўлаш масалалари бўйича ахборот тўплаш учун сайёр текширув ўтказилиши белгиланмоқда. Сайёр текширув ақунлари бўйича солиқ орган мансабдор шахслари томонидан улар амалга оширган ҳаракатлар тўғрисида маълумотнома тузилади, унинг нуқсаси солиқ тўловчида берилади. Сайёр текширув ўтказишда солиқ органлари томонидан солиқлар ва йиғимлар ҳисоб-хисоботи билан бирга, инсон омили иштирокисиз солиқлар тўлашмаслиги ҳавфи омилларини таҳлил қилиш на-тижалари асосида танлаб олинган барча солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ аудитини ўтказиш белгиланмоқда.

Солиқ бўйича низоларни судгача ҳал

(Давоми 2, 4-бетларда)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган бўйича хабарлар

Мамлакатимизда

- Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар!" шiori остида Қизилқум туманига медиа-тур ташкил этилди.
- Андижон давлат тиббиёт институтида "Тиббиётда инновациялар" мавзусида халқаро илмий-амалий видео-конференция ўтказилди. Видео-конференция ишти-

роқчиларининг касалликларни аниқлаш, самарали да-волашда инновацион технологияларни жорий этиш, бу борада амалга оширилаётган амалий ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича онлайн марузаларни тингилган. Ма-рузалар таърибли профессор-ўқитувчилар томонидан долзарблиги, мақсад ва вазифаларининг аниқлиги, ҳу-лосаларининг исботлангани каби мезонлар асосида ба-ҳолаб борилди.

● Фаргона вилоятининг Олтириқ туманида Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Давлат хизматлари маркази туман аҳлига муносиб туҳфа бўлди. Марказ биноси аънавий архи-тектура ва миллий меъморий ечим, замонавий дизайн талаблари асосида бунёд этилган. Электрон навбат, инфокиоск, болалар майдончаси ташкил этилган. Мар-казда бир вақтинч ўзида 22, бир кунда 660 фуқарога хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Ҳазира ҳозирда 130 дан ортиқ давлат хизматлари юзасидан маълумотлар марказга келувчи фуқаролар учун тақдим этиб борила-ди.

Жаҳонда

- Франциядаги пенсия ислохотларига қарши иш таш-лашлар қатнашчилари мамлакатдаги саккизта нефтни қайта ишлаш заводидан еттигачининг ишига тўсқинлик қилди. "Gap Esso ва Total компаниялари заводлари ҳақида бормоқда", — деди синдикат вакили Эммануэль Лепин. Қувурлар, кема, поезд ва юк машиналари орқали нефть етказилиши тўхтади. Корхонадан бир томчи ҳам ёнилғи чиқарилмади. Касаба уюшмалари Electricite de France (EDF) энергетика корпорацияси хо-димларини ҳам иш ташлашларга қўшилишга чақирди. Францияда шунингдек, транспорт ходимлари, шифокор-лар, ўқитувчилар, адвокатлар, ўқинувчилар ва бош-қа қатор касблар эгалари ҳам оммавий иш ташлади.
- АКШнинг Айова штатида об-хавонинг жуда ноқу-лай келиши — кўчли қор бўрони навоҳишда бирвара-кайига 50 та автотранспорт иштирокида йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, ушбу ҳудудда бир неча соатлик тижилликлар юзага келди. Бир неча одам жараҳат олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, БУ БОРАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

в) 2020 йил 1 июлдан бошлаб ҳуқуқни чеклайдиган процессуал мажбуриятларни қўллаш, жумладан, шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб борилади.

4. Қонулар ижросини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш юзасидан:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинишини мониторинг қилиб бориш, қабул қилинган қонуларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш ва кучайтириш тавсия этилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишда қонунларнинг бир хил ва тўғри қўлланилиши ҳолатларини ўрганиш юзасидан суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириб бориш, заруратга кўра тегишли Пленум қарорларини қабул қилиш тавсия этилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонулар ижросининг мақсадли ва комплекс ўзгарилишини ҳамда унинг натижаларини режа асосида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бош прокуратура, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар қўйидагиларни назарда тутиб тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

прокурор, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан бевоқиф судга шикоят қилиш;

суд ишларини ҳал этишга аралаштиш, жумладан, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда таъсир ўтказиш ҳолатлари бўйича жавобгарликни кучайтириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (А.Саидов):

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон доовалат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда, 2020 йил 1 мартга қадар илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишни таъсирчан ҳамда замонавий тизимини яратиш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

жамоатчилик назорати соҳасида фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликнинг замонавий механизмларини ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш чораларини жорий қилиш бўйича тақлифларни белгиланган тартибда киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа инсти-

туларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига 2020 йил 1 майга қадар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш ҳамда мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича энг яхши тақлифларнинг давлат гранти танловларини ўтказиш тавсия этилсин.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2020 йил 1 майга қадар халқаро ташкилотлар, жамоатчилик, соҳа мутахассислари ва экспертлари иштирокида кенг муҳокама қилиш орқали қўйидагиларни назарда тутиб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишонгли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа комплекс чоралар тизимини яратиш;

қонунчиликка ва давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлигини ошириш;

аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жумладан, бу борада самарали ахборот ва маърифат тарқатиш, таълим бериш фаолиятини ташкил этиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни янги bosқичга кўтариш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

2020 йил 1 июлга қадар оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари)дан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, журналистларнинг ўз касбий фаолиятига оид мажбуриятлари белгиланган назарда тутибчи "Телерадиоэшитиришлар тўғрисида"ги ва "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил 1 мартга қадар барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, уларда жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни янги bosқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Адлия вазирлиги, Олий суд ва Бош прокуратура билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокатлар мавқеини тубдан ошириш юзасидан қўйидагиларни назарда тутибчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Адвокатлар палатаси фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатларни қайта кўриб чиқиш орқали ушбу тузилманинг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

терговчи, прокурор ва суд томонидан давлат ҳисобидан адвокатларни жалб қилиш механизмини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш;

адвокатлар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2020 йил 1 мартга қадар:

аҳолига, айниқса, ёшларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтиришда амалий, таъсирчан ва инновацион механизмларни қўллашни назарда тутибчи Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2020-2021 йилларда самарали амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича янги тизимни яратиш юзасидан тақлифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари:

Дастурда белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, унда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қонунчилик ва амалиётни чуқур таҳлил қилган ҳолда ҳамда ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибаси асосида ишлаб чиқилишини ва кенг жамоатчилик ўртасида, жумладан, ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама қилинишини;

Дастурнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳар чоракда ахборот тақдим этиб борилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Дастурда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига мониторинг натижалари тўғрисида ҳар чоракда ахборот киритиб борилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоғида кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 13 декабрь

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда Ўзбекистондаги илхотлар очиклик тамойилига асослангани, жумладан, 86 давлат фуқаролари учун визасиз тартиб жорий қилинганга қайд этилди. Бу илхотлар ўз самарасини бермоқда. Охириги уч йилда Ўзбекистон Жаҳон банкининг "Doing business" рейтингинда 166-ўриндан 69-поғонага кўтарилди, сунгги икки йилда юртимизда янги ташкил этилган хорижий корхоналар сонини икки баробар ошди ва 10 миңгата етди.

Бизнес-форумда Япония ишбилармон доираларининг 500 га яқин вакили иштирок этди. Япония саноатининг етакчилари ҳисобланган компания ва концернлар вакиллари Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришдан мамнун эканини таъкидлади.

Анжуманда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияга қўйидагиларнинг расмий ташрифи икки томонлама иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришда муҳим омил бўлиши қайд этилди. Япония компаниялари раҳбарлари Ўзбекистонда бизнес юритиш учун илгари умуман қўзғалинмаган ҳолат - иқтисодий тўғридан-тўғри инвестициялар киритишни бошлашдан мамнун эканликларини билдирди.

Сессия йиғилишларида ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё, автомобилсозлик, электротехника, озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-пойабал тармоқларида мавжуд имкониятлар ва ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Инфратузилма объектларини барпо этиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва туризм соҳасидаги алмашинувлар ҳақида сўз юритилди.

Кенг қўламли бизнес-форум якунида икки мамлакат вазирлиги ва идоралари ўртасида иқтисодий ва саноат соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутибчи ҳужжатлар алмашиш маросими бўлди.

Жумладан, Навоий вилоятида геологик тадқиқотлар ўтказиш, "СамАвто" корхонаси фаолиятига сармоа киритиш, Хорижий инвестицияларни жалб қилиш агентлиги билан Япония ташкил савдо ташкилоти ўртасида бизнес ва савдонини ривожлантириш, шунингдек, уй-йўқоқ коммунал хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, рақамли университет ҳамда Тошкент шаҳрида тиббий маълумот маркази очиш, пойтахтимизда инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланди.

Тадбирда инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича Ўзбекистон ва Япония молия институтлари ўртасида бир қатор келишувларга эришилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА махсус муҳбири Япония

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳокама вақтида кодекснинг қабул қилиниши солиқ қонунчилиги нормаларини қўллаш имкон қадар соддалаштиришга кўмаклашишни таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, қонун Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек, 7 та қонунни ўз қучини йўқотган деб топишни назарда тутибчи 17 та моддадан иборат. Масалан, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунга ер қарийдан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдала қилинганликни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олган ер қарийдан фойдаланувчилар томонидан имзолани бонус ва тижоратбоп топилма бонусини тўлашни, уларни тўлаш муддатларини назарда тутибчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан ташқари, фойдала қилинган захираларнинг казиб олинмаганди хамининг қийматини аниқлаш ва тижоратбоп топилма бонусини тўлаш тартиби ўрнатилмоқда.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Оилавий тадбирчилик тўғрисида"ги қонунларга солиқ ва йиғимлар тўлаш ҳамда улар тўланган фойда келиши тартибин белгилашни назарда тутибчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторлар қонун қабул қилиниши солиқлар ва йиғимлар ақриштириш тартиб-таомилларининг шаффофлигини кучайтириш, виждонли солиқ тўловчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясига кўмаклашишни таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасини қонун муҳокама этилди.

Қонун Солиқ кодекси янги тақрирда ишлаб чиқилиши муносабати билан, шунингдек, давлат божини белгилаш, ундириш, ундан озод қилиш ва уни қайтариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Қонунга кўра, давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширилган ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берилган учун ундирилмаган мажбурий тўловлар. Ўзбекистон Республикасини консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширилган учун тўланадиган консуллик йиғими, ихтироларга, фойдала моделларга, саноат намуналарига, селекция ютуқларига, товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгиларига, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширилган учун тўланадиган патент божи давлат божи ҳисобланади. Бунда ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракат ва (ёки) ҳужжатлар бериш амалга оширилмаганди юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилар ҳисобланади.

Қонунда давлат божи ундирилмаган объектлар ва давлат божи ставкаларининг микдорлари назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, фуқаролик ишлари бўйича судларда, иқтисодий судларда ва маъмурий судларда, нотариял ҳаракатлар амалга оширилганда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси биометрик

паспортини расмийлаштириш ва беришда, шу жумладан, хорижга чиқиш учун биометрик паспорт расмийлаштириш ва беришда, консуллик йиғимини тўлашда давлат божини тўлашдан озод қилиш тартиби ва озод қилинадиган шахслар рўйхати белгиламоқда.

Сенаторлар қонун қабул қилиниши қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга кўмаклашишни таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат аъзолари "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасини қонунини кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, бугун Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти йиғирма йил аввал қабул қилинган ва хозирги замон талабларига жавоб бермайдиган қонунлар билан, бундан ташқари, инвестиция муносабатларининг катта қисми бошқа тармоқларга доир қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган. Инвестицияга оид қонун ҳужжатлари нормаларининг тармоқлар бўйича тақсимлаб юборилганлиги унинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мураккаблаштириши, инвестицияга оид қонун ҳужжатларининг самарадорлигини пасайтиради, бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий тизимини ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилиши, у Ўзбекистон Республикасини қонун ҳужжатлари тизимига ягона бирлаштирилган ҳужжат сифатида киритилади. Қонунда таянч тушунчалар жорий этилиб, мазкур соҳада фойдаланиладиган асосий тушунчалар очиб берилмоқда. Қонунчилик, ошқоралик ва очиклик, инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, адолатчилик ва инвестиция фаолияти субъектларининг тенглиги, инвесторларга нисбатан камситишга йўқ қўмақлик, инвесторларнинг виждонлилиги презумпцияси - инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принципларидир. Эндиликда инвестициялар белгиланган мақсадига ҳимоя капитал, молиявий ва ижтимоий турларга бўлинадиган. Белгиланишича, пул маблағлари (чет эл валютаси ҳам) ва бошқа молиявий маблағлар - кредитлар, пайлар, улушлар, акциялар ва бошқа қимматли қозғолар, кўчар ва кўчмас мол-мулк ҳамда бошқа объектлар инвестиция ресурслари жумласига киреади.

Бундан ташқари, қонунда инвесторнинг, инвестиция фаолияти иштирокчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланмоқда. Қонун қабул қилиниши инвестиция мақони ялтилигини, мамлакатимиз ва хорижий инвесторлар ҳуқуқий режими тенглигини, Ўзбекистон Республикасини қонунда инвестиция фаолияти субъектларининг иқтисодий фаолияти эркинлигини таъминлашни ва Ўзбекистон инвестиция бозори самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратишни таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасини қонунини муҳокама қилдилар.

Қонун қабул қилиш зарурати ҳақида сўз борганда, "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуннинг амалдаги тақрири эркин иқтисодий зоналар фаолиятини комплекс тартибга солимаслиги ва тақомилга етказишни зарурлиги қайд этилди. Соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг қўлиги, тўғридан-тўғри таъсир қиладиган махсус қонун ҳужжати мукамал эмаслиги ва барча зарур масалалар тартибга солилмаганлиги инвесторларда ва соҳадagi қонун ҳужжатлари барқарорлиги тўғрисида салбий фикр пайдо бўлишига олиб келади.

Қонунда махсус иқтисодий зоналарнинг турлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбир-

лари, фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгариштириш ва уни тугатиш, махсус иқтисодий зоналарнинг фаолиятини ташкил этиш, уларни бошқариш, махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомини белгилаш, божхонада тартибга солиш, солиқ солиш ва ердан фойдаланиш режими бўйича асосий тушунчалар ҳамда қондалар белгиламоқда. Қонун иқтисодий илхотларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш йўлида яна бир қаддам ташлаш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан "Миллий гвардия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасини қонунини кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, қонун Миллий гвардиянинг мақомини, ваколатларини, вазифалари ва функцияларини белгилаш, фаолиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш хусусиятини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонунга кўра Миллий гвардия Ўзбекистон Республикасини Қуролли Кучлари таркибига кирувчи ҳарбий тузилмаларга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдир.

Белгилаб қўйилишича, Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларини бажаришида давлат органи ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар эса Миллий гвардияга унинг зиммасига юклатилган вазифаларини бажаришида ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт. Бундан ташқари, Миллий гвардия ҳарбий зяматчисининг қонуний талабларини бажариш мажбурийлиги назарда тутилмоқда.

Қонунчилик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш, ягоналик, мустақиллик Миллий гвардия фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиламоқда, уларнинг мазмуни ва моҳияти очиб берилмоқда. Миллий гвардиянинг таркиби мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Миллий гвардиянинг таркибига марказий девон, ҳудудий бошқармалар, ҳарбий тузилмалар, таълим ва тиббиёт муассасалари, шунингдек, Миллий гвардиянинг зиммасига юклатилган вазифаларини бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлар киреади.

Шу билан бирга, назарда тутилишича, Миллий гвардия бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунлади ва унга ҳисобдордир, Миллий гвардияга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Миллий гвардия қўмондонини раҳбарлик қилади. Миллий гвардия қўмондонини мақомига кўра вазирга тенглаштирилади. Бундан ташқари, Миллий гвардияда ҳарбий хизматчилар томонидан ҳарбий изматни ўташ тартиби ва шартлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми назарда тутилмоқда.

Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига ва "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Сенаторлар қайд этганидек, қонун қабул қилиниши Миллий гвардия шахсий таркиби ўз хизмат ва ҳарбий мажбуриятларини ишонгли, ташаббус билан ва монеликсиз бажаришини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин Олий Мажлис Сенати аъзолари "Нотарият тизимининг тубдан ислох қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасини қонунини кўриб чиқдилар.

Қонунда "Гаров тўғрисида"ги, "Нотарият тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги, "Медияция тўғрисида"ги, Ўзбекис-

тон Республикасининг Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал кодексларига, Ўзбекистон Республикасини Олий Мажлиси Қарори билан тасдиқланадиган Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонунда давлат нотариял идораларини нодавлат нотариял идораларга босқинча-босқин ўтказиш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикасини Нотариял палатасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгиламоқда. Айрим турдаги битимлар учун мажбурий нотариял тасдиқлаш бекор қилинмоқда, шунингдек, нотариял ҳаракатларнинг янги турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага олиш (ижарага бериш) ва ундан бепул фойдаланиш шартномаларини тасдиқлашда айрим талаблар бекор қилинмоқда ҳамда бундай турдаги битимларни тасдиқлаш жараёни соддалаштирилмоқда.

Қонунда нотариял ҳаракатларини масофадан, шу жумладан



О'ЗЛИДЕР ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШДАН МАНФААТДОР

Ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш ҳар бир сиёсий партиянинг сарфидир. Шубҳасиз, мазкур масала партиянинг ҳам муҳим вазифаларидан саналади. Зеро, жамият ҳаётида ижтимоий адолат ўрнатилса, ўша жойда тараққиёт жадал одимлайди, одамлар ислохотларга камарбаста бўлади.

Тўлиқ бандлик ва барча учун муносиб иш ўрни

Мавлудахон ХУҲАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари:

— Биз мамлакатимизда ишсизлик, айниқса, ёшлар ўрта-сиддаги ишсизлик муаммоси бўлмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз. Фуқаролар бандлигини тўлиқ таъминлаш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори инфратизимининг мувоzanатланганлиги ва ривожланишига эришиш, ишсизлик даражасини қисқартириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади. Биз "Тадбиркорлик — аҳоли бандлигининг гарови" гося ҳаётимизга тўлиқ жорий этилишига интиламиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат бюртимаси амалиётини қўллаб-қувватлаймиз.

Партияимиз мазкур йўналишда иш ўринлари захирасини яратиш, аҳоли, жумладан, хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бошқа тоифалари, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришда янги усуллардан фойдаланиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, реал иш ҳақи барқарор ўсишига кўмаклашувчи солиқ сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини тақлиф этмоқда.

Кичик бизнес ва фермерлиқни иш ўринларини яратувчи генератор сифатида изчил қўллаб-қувватлаймиз. Оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа ҳўжалиги ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар оилавий бюджетни даромадларини ўстиришининг энг самарали шаклларидан бири сифатида кўрамиз. Шу маънода, ишга лавқатли аҳоли учун уларнинг меҳнатга доир ва тадбиркорлик фаолиятини юзага чиқариш, ишчи кучининг сифатини яхшилаш, бозор талабларини ҳисобга олиб, ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа ҳўжалиги ва хусусий бизнес билан машғул фуқароларнинг замонавий машина, ускуна, хом ашё ва материаллар харид қилиши учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини янада яхшилаш, уларга маркетингни ўргатиш, касаначилик маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқарилишини ташкил этиш мақсадида бюртимачиларни излаш ҳамда бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотларини ишлаб чиқариши учун тадбиркорликнинг бошқа субъектлари билан кооперация қилишига йўналтирилган чора-тадбирларини изчиллик билан давом эттирамиз.

Маълумки, кейинги йилларда юртимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишни таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида қўламли сайё-ҳаракатлар олиб борилаётганига қарамай, янги иш ўринлари ташкил этишда давлат бюртимачиларини ишлаб чиқиш, айниқса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатлами учун иш жойлари квотасини белгилаш аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга оширишда қатор муаммолар мавжуд.

Уларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг амалий тақлифлари асосида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 августдаги "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш қарорларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини кучайтириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ вазифалар кўзда тутилган.

Шунга мувофиқ, меҳнат мигрантларига бир йил муддатга сўраладиган ҳужжатлар минимал пакети (паспорт, ариза, меҳнат органи илтимосномаси) гаров таъминоти-сиз, уни тезлаштириб, бир банд иш кўни давомида беришни расмийлаштириш маълумланди. Шунингдек, хорижда ишга жойлашиб билан боғлиқ бўлган харажати тўлаш учун 2 миллион сўм миқдордаги микроқарз бериш тизимини жорий этилмоқда. Бундан ташқари, ҳужжатга кўра, эндиликда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун хорижга жўнаш истайин билдирган шахсларга онлаин режимида ишга жойлаштириш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонунчиликда назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида ахборот бериб борилади, уй-жой шартини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда қўш қаватли йўлардан 3462 та хонадон ажратилди.

Биз сайловолди дастурида аҳолининг тўла бандлигини таъминлаш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишсизлик даражасини қисқартириш каби ўта муҳим вазифаларни белгилаб олганмиз. Партия келгуси фаолияти давомида Ўзбекистоннинг халқро ишчи кучи бозорига босқичма-босқич кириб бориши, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, ўз уйи, оиласини ташлаб узоқ юртларда даромад топиш мақсадида ишлаётган юрдошларини ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари қароқчиларини қўчайтириш, жамиятда уларга нисбатан билдирилмаётган ҳар қандай салбий муносабат ва фикрларга қарши туриш ҳамда давлатларaro ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга доир "Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини кўрсатмоқда.

Қулай, сифатли ва профессионал тиббиёт

Нодира МАМАТОВА,
Тошкент давлат стоматология институти
Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази директори:

— О'зЛиДеП Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизимига юқори самарадорликка эришган энг илгор 30 та мамлакат қаторига киришига, оналар ўлими кўрсаткичининг учдан бир қисмига, чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимининг икки баробар, аҳоли ўртасида юрак-қон томир, онкологик касалликлар, қандли диабет ҳамда сурункали респиратор касалликлардан ўлим ҳолатларини 30 фоиз қамайтиришга эришиш госясини илгари сурмоқда.

Бу борада, албатта, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, сўғурта соҳасини ривожлантириш ва аҳоли соғлигини сўғурталаш тизимини жорий

этиш, давлат-хусусий шериклик тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш, хусусий тиббиётни ривожлантириш орқали малакали тиббий хизмат кўрсатиш бобида соғлом рақобат муҳитини яратиш ва тиббиёт туризмининг юксак халқаро мезон ва стандартларга мослигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида мажбурий тиббий сўғуртани босқичма-босқич жорий этиш ҳам қўзда тутилган бўлиб, бу қўллаб-қувватлашга сабаб бўлмоқда.

Биз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб, юртимизда мажбурий тиббий сўғуртани жорий этиш зарур, деган тўхтамга келдик. 2019-2020 йиллар давомида бу борада тайёргарлик босқичи олиб борилиб, тизимнинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилади. Биринчи босқич 2021 йилнинг 1 январидан бошланиб, тахриба сифатида Сирдарё вилоятида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган бўлса, иккинчи босқичда, яъни 2023 йилнинг 1 январидан республикамизнинг 6 вилояти, 2025 йил 1 январдан эса мамлакатимизнинг барча ҳудуди тўлиқ қамраб олинади.

Шу ўринда айтиш керакки, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг мажбурий сўғуртасини давлат ўз зиммасига олади, яъни ушбу йўналишда ҳам ижтимоий ҳимоя сақлаб қолинади. Муҳими, сўғурта туфайли тиббиётда тартиб ўрнатилди, ташхис ва даволаш стандартларини маҳсус экспертлар назорат қилади. Муолажалар оз ҳамда керагидан ортқча бўлишига йўл қўйилмайди. Мажбурий сўғурта тизимини самарали татбиқ этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинади.

Мажбурий тиббий сўғурта тизимининг ишга туширилиши натижасида мулк шаклидан қатъи назар, малакали тиббиёт ходимига, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозларга эга бўлган, арзон тиббий хизмат маҳмуасини тақлиф эта оладиган тиббиёт ташкилотларига талаб ортади. Бошқача айтганда, бундай ташкилотлар мажбурий тиббий сўғурта маблағларига даъвогар бўладиган муассасалар ҳисобланади. Натижада малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотлари ўртасида ҳақиқий соғлом рақобат муҳити шаклланади.

Бундан ташқари, охириги йилларда соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар туфайли нодавлат тиббиёт муассасалари сони ошди, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари кенгайди. Шу билан бирга, соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосини яратиш, инвестицияларни, айниқса, чет эл сармояларини жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг юқори технология тиббий хизмат ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектор иштирокини рағбатлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниши соҳани чуқур ислох этишга замин яратди. Илмий-таълим ва яратилган шарт-шароитлар натижасида лицензия олиш учун берилган аризини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 20 кунга қисқартирилди. Бу учун тўланадиган давлат божи энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 5 бараварига қамайтирилди, хусусий тиббиёт муассасалари шўғулланиши муқим бўлган тиббий итхисослик турлари 50 тандан 126 га қўйилди.

Шунинг учун партияимиз сайловолди дастурида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, улар сонини кўпайтириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хизмат сифатининг тўдан яхшилинишни ёқлайди.

Хорижий давлатлар тахрибасида ижобий тавсифланган шифокорлар замонавий ахборот технологиялари ёрдамида бемор билан алоқа ўрнатиш ва масофадан туриб даволаш имконини беришчи "Ақли тиббиёт" тизимини бизда ҳам татбиқ этила бошлангани, "электрон навбат", "беморнинг электрон картотчаси", "электрон рўйхатга олиш", "электрон ретсетт" тизими, "электрон дорихона", "электрон ордер" каби хизмат ва сервислар яратилиб, тиббиёт, телемедицина, мобил медицина (мобил хизматлар, m-Health), электрон таълимни ривожлантириш жадал олиб борилаётганини қувонарли ҳолдир. Зеро, бемор танасига ўрнатилган маҳсус датчик ва чиплар орқали шифокор, қаерда бўлишидан қатъи назар, миқдози саломатлиги ҳақидаги муҳим маълумотлар — тана ҳарорати, қондаги канд миқдори, артериал қон босими ҳақидаги ахборотдан хабардор бўлиб туради. Бу эса сурункали ва яширин кечувчи касалликлар профилактикасида, уларни аниқлаш, бемор саломатлиги ҳолатини мониторинг қилиш ва даво чораларини тайинлашда муҳим.

Бу тизим орқали, самисиз алоқадан фойдаланган ҳолда, тиббий ёрдамни уйда олиш мумкин бўлади. Тиббий маълумотлар асосида касалликнинг олдинчи олиш, соғайиш жараёнларини тахлил қилиш учун сунъий интеллект технологиялари жорий этилиши ҳам қўзда тутилган.

Шу асосда партияимиз томонидан аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматларни дунёдаги энг илгор талаблар даражасига кўтариш, касалликни кўрсаткичларини пайсайтириш ва аҳолининг узоқ умр кўришини таъминлашга йўналтирилган "Ақли тиббиёт" концепциясини кенг жорий этиш, илгор ускуналар билан жиҳозланган, малакали кадрларга эга, юқори технология ва самарали тиббий хизматни шакллантириш, тиббиёт муассасалари илмий, услубий ва таълимга оид салоҳиятини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимида инновацион диагностика восита ва усуллари жорий қилинишига кўмаклашиш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва назорати бўйича узоқ муддатли давлат стратегиясини (дастури) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолини арзон нархдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаш ҳам муҳим вазифалар қаторида белгилаб олинган.

Шифокорлар ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ва аҳоли ўртасидаги муносабатларнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва буни қонун даражасига кўтариш, тиббиёт ходимларига узоқ муддатли ипотека кредитлари берилишини йўлга қўйиш орқали уларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқени юксалтирмоқчимиз. Бундан ташқари, давлат тиббиёт муассасалари шифокорлари ўртасида ҳар йили "Йил шифокор-олими", "Йил шифокор-тадқиқотчиси", "Йил эркак шифокори", "Йил аёл шифокори" "Йил ҳамшираси", "Йил тиббий хизмат ҳайдовчиси" каби танловлар ташкил этилади. Қолаверса, жамиятда соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, болалар, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга муҳаббат уйғотиш, "Фарзандлари соғлом юртининг келажаги буюқдир" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилиши тарафдоримиз.



ЎЗБЕКISTONNING ЖАҲОН МАЙДОНИДА ТУТГАН ЎРНИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРАМИЗ

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва мавқеи тобора юксалмоқда. Тарихан қисқа муддатда барча соҳада улкан ютуқларга эришилдики, улар дунё манзараси ўзгариб, турли минтақалар низола ва тўқнашувлар гирдобиди қолган ҳозирги мураккаб даврда жуда аҳамиятлидир. Хўш, ана шу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси қандай устувор масалаларни мақсад қилиб қўйган? Қуйида партия вакилларининг шу хусусдаги фикрлари эътиборингизга ҳавола этилади.

Адолат — ҳар бир инсон учун!

Фарход ИШАНҚУЛОВ,
142-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ ўз олдида аниқ ва қатъий мақсадни белгилаб олди. Халқимиз манфаатлари учун хизмат қиладиган бу улғу мақсад ҳамон оғишмай олдинга қараб ҳаракат қилиб келяпти. Пировардида бугун биз кўриб турган жаннатомонанд Ўзбекистон дунё тамаддунида ўз муносиб ўрнига эга бўлиб бораётди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу яратилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар, изчил ислохотларнинг барчаси халқ учун ва халқ манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда. Бунда мамлакатда олиб борилаётган самарали бошқарув тизими алоҳида ўрин тутди. Ислохотлар жараёнида илгари сурилаётган тамойиллар адолатли ва халқчил бўлишига эътибор борган сари кучаймоқда. Хўш, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ушбу жараёндаги ўрни қандай бўлади? Айтиш мумкинки, партия ўз номига ҳамоҳанг иш юритган ҳолда, халқ номидан, халқ учун ва халқ манфаатлари йўлида иш олиб борадиган давлат бошқарувини амалга оширишда бевосита қатнашадди. Барча жабҳада адолат тантана қилиши учун курашадди. Адолатни ўз шиорига айлантирган партияимиз бугунги кунда ҳам ўз йўналишида адолатни тарғиб этиб келмоқда. Зеро, адолат — ҳар бир инсон учун!

Шу сабабли ҳам сайловолди дастурида халқимиз манфаатига хизмат қиладиган илгор госяларни илгари суряптимиз. Буларнинг моҳиятида, биринчи галда, халқимиз дарди ва ташвишлари ечимига қаратилган ижобий ишлар мустаҳкам пойдевор бўлиб турибди. Дарҳақиқат, ушбу пойдевор мустаҳкам. Чунки, у адолат устига барпо этилган. Адолат эса ҳеч қачон энгилган эмас! У ҳар қанча тўсиқ ва синоваларга дуч келмасин, барча замонларда алоқоқбат голиб келган. Бу галги сайловларда ҳам албатта, адолат тантана қилишига аминмиз. Зеро, адолат ўрнатишдан жойда халқ фаровон, турмуш ойна-ишта кечади.

Яна бир муҳим жиҳатни эътироф этиш керак. Партия қандай йўналишда фаолият олиб бормасин, барчаси инсон ва унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Яъни партия баландпарвоз ёки қуруқ гаплардан қочиб, одамларга манфаат келтирадиган аниқ гося ва ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Бу ўринда партияимиз аниқ, изчил гося ва йўналишлар йўлидан бориб, бирдамлик, тенглик, адолатлилик широрлари остида майдонга чиқди. Ушбу широрларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши учун ҳаракат қиламиз. Бу галги сайловларда ҳам партияимиз суд-ҳуқуқ, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва бир қанча ижтимоий масалалардаги муаммоларни ҳолатларнинг бартараф этилишига қаратилган госяларини илгари сурмоқда.

Буларнинг халқ тарафидан чинакам эътироф этилиши эса партиянинг ютуғи ва галабарифидир. Агар парламант ва маҳаллий Кенгашларда кўпчилик ўринини эгалласак, ана шу мақсадларимизни рўёбга чиқаришимиз осон кечади. Демак, сиз, азиз сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашингиз нафақат биз, айнаи чоғда ўзингиз учун ҳам нихоятда муҳим эканлигини унутман!

Халқимизга, энг аввало, тинчлик ва хотиржамлик керак

Ақром АЮБЖОНОВ,
139-Оқтепа сайлов округидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Партияимиз ижтимоий адолат, эркинлик ва бирдамлик госяларини илгари суради ва у Марказий Осиё давлатларининг дипломатик динамик ташқи сиёсати, ҳар томонлама кўшничлик алоқаларини йўлга қўйган минтақага айланаши тарафдоридир. Биз Марказий Осиё халқларининг миллати, тили ва эътиқоди асосида ўзаро қарама-қарши қўйилишини қатъий рад этамиз. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлаб, халқларимиз биродарлигини мустаҳкамлашга интиламиз.

Партияимиз Ўзбекистоннинг давлатларaro му-

носабатларда ҳамкорлик қилиши ва тенг ҳуқуқли шерик бўлишига ёрдам беради. Биз сиёсий ва диний экстремизм, унинг ҳар қандай кўринишларини қатъий қоралаб, унга қарши бундан кейин ҳам мафкуравий кураш олиб борамиз. Айни дамда давлатимиз аззо бўлган БМТ, ШХТ, МДХ, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижтимоий ва инсонпарварлик дастурлари доирасида манфаатли ҳамкорлик қилинишни ёқлаймиз. "Халқимизга, энг аввало, тинчлик ва хотиржамлик керак" деган тамойилни изчиллик билан амалга ошириш тарафдори бўлиб қолаверамиз.

Дарвоқе, партияимиз олдидаги мақсад ва вазифалар, беш йил давомида амалга оширилдиган ишлар сайловолди дастурида аниқ баён этилган. У келажақдаги ишларимизни қандай амалга ошириш механизминини белгилаб беради ҳамда партия барча бўғинлари, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари, фаолияти давомида аниқ қўлламадир.

Партияимиз сайловолди дастуридан келиб чиқиб, миллий армияимизни тўдан ислох қилиш, кўшинни замонавий ҳарбий техника ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари билан доимий таъминлаб боришни қўллаб-қувватлайди.

Ўз навбатида, ҳарбий хизматчилар оилалари иш билан таъминланиши, ўқш, пенсия, тиббий таъминот соҳаларида ҳам қонун билан қафолатланган имтиёزلарга эга бўлиши масаласи долзарб вазифа сифатида илгари сурилган. Умуман, сайловолди дастурида аҳоли манфаатларини қамраб олган аниқ сиёсий стратегияга эга.

Сайлов — сийлов эмас. Балки партияимиз учун катта синовдир. Биз сайловолди дастурида белгиланган гося, вазифалар эртанги ҳаётимиз учун муҳим эканлигини халқимизга тўғри тушунтирсак, обод Ватанимизни янада тараққий эттириб, халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш учун ҳаётий ташаббусларини илгари сурсак, ана шунда сайловчилар қўллаб-қувватлашига эришамиз.

Аёлни эъзозлаган жамиятнинг мақоми баланд бўлади

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
141-Темирйўлчилар сайлов округидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Барча замонларда аёллари эъзозланган юртининг мавқеи доимо баланд бўлган. Аёлни нафақат она, келажақ авлодини дунёга келтириб, вояга етказувчи инсон, балки жамият ҳаётини ўз ўрнига эга шахс сифатида қадрлаган мамлакатнинг мақоми юксак бўлган.

Бугун юртимизда аёлларга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Уларнинг бўш вақтларини маъмул ташкил этиш, бирор-бир фаолият билан шўғулланишига кўмаклашиш, иш-сизиларни иш билан таъминлаш, ижтимоий кўмаклашишга алоҳида аҳамият қаратилляпти. Партияимиз шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги эзгу ислохотларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хусусан, партия лойиҳалари асосида аёлларни, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни иш билан таъминлашга яқиндан кўмаклашяпти. Уларга маънавий-моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилаётди. "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳамиз доирасида ҳар ҳафтанинг чоршанба кунини аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг жумладан, аёлларнинг мураккаб атилари ҳал этиляпти. Шу ўринда депутатликка номзод этиб кўрсатилаётганлар халқ ичига кириб, тарғибот ишларида фаол қатнашаётганликларини айтиш зарур. Муаммоларни ўрганиш жараёнида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Гендер тенгликка доир қонуннинг қабул қилиниши бу борада янги қадам бўлди. Унга кўра, аёллар жамиятда таъзим ва ўзравонликларга учрашига, жинсий камситилишга йўл қўйилмайди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши қатъий назоратга олинади, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун кўмаклашилади.

Умуман, юртимизда гендер тенглик масаласи ижобий ҳал этилмоқда. Бу сайё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, сайловолди дастурида ифодаланган мазкур йўналишдаги вазифаларимизни собитқадамлик билан рўёбга чиқарамиз. Бу борада албатта, сиз, сайловчиларнинг кўмагиниз биз учун зарур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда)

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳам шунга ўхшаш нормалар билан тўлдирилмоқда. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни судда қўриб чиқиш чоғида суднинг ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудио ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкинлиги белгиланмоқда. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш бўйича қарор ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида чиқарилиши ва ижро этиш учун юборилиши мумкин. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар 2020 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш дастури тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги Фармонида мувофиқ 2018 – 2021 йилларда фермер ҳўжалиқларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларига айлантириш ушбу соҳани ривожлантириш бўйича устувор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, 2020 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш дастурида худудлар кесимидаги аниқ мақсадлар баён этилган. Дастурга мувофиқ келаси йилда 11 минг 957 фермер ҳўжалиғида 12 минг 478 лойиҳани амалга ошириш ҳамда 41 минг 135 янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилган. 20 дан ортиқ турли йўналишни ривожлантиришга қаратилган ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 2 миллиард 228 миллион сўм ажратиш режалаштирилмоқда, бу эса фермер ҳўжалиқларининг молиявий-иқтисодий, техник ва технология соҳасини оширишга кўмаклашади. Бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, қонунда Ўзбекистон Республикасининг 6 та қонунига, 3 та кодексига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан тасдиқланган Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди.

Жумладан, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Масъулиятли чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларни албатта аудитор текширувидан ўтказишни назарда туғувчи қўшимчалар киритилмоқда. Бу активлар капиталлашуви мунтазам ўсиши, бажариладиган операциялар ҳажми кўпайиши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, “Масъулиятли чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам модда билан тўлдирилмоқда. Унда назарда тутилганича, жамият иштирокчилари ўртасида мурасасиз зиддиятлар сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овозлар сони мавжуд бўлмаганлиги тўғрисида жамиятни бошқариш масалалари юзасидан келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда, низоли вазият суд тартибида ҳал этилади.

Миноритар акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига норма киритилмоқда, унга кўра йирик битим тузиш шартлари баҳолаш ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган ҳолда мустақил тақши аудиторлик ташкилоти томонидан ўрганилади.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатор нормалар киритилиб, уларга кўра юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари 3 нафаргача доимий ходими ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга ҳақли. Бундан ташқари, оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилишида оилавий тадбиркорлик иштирокчилари таркибини ўзгариштириш тўғрисидаги масала қўриб чиқилиши ва ҳал этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузганлик учун, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурланганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалар билан тўлдирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳам хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, фойдала қазилмаларни лицензиясиз қазиб олганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган нормалар билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этишни таъминлашга доир чораларни васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки тебиёт ёкулининг мансабдор шахслари, топиб олинган (ташлаб кетилган) бола турган муассаса маъмурияти томонидан кўрмаланлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган

фаолият турларининг рўйхати атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият каби янги фаолият тури билан тўлдирилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Усимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1951 йил 6 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар.

Усимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш ва миллий фитосанитария тизимини халқаро талабларга мувофиқлаштириш қонунининг мақсади эканлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг конвенцияга қўшилиши мамлакатда фитосанитария хавфсизлигини мустаҳкамлашга ва республиканинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, бу Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулоти экспорти учун чет эл бозорларига чиқиш тартиб-таомилни осонлаштиради, Ўзбекистоннинг фитосанитария тизимини яхшилаш ва халқаро стандартларни имплементация қилиш учун маслаҳатлар ва молиявий маблағлар шаклида халқаро ташкилотлардан олиннадиган техник ёрдам ҳажмини оширади.

Натижада миллий стандартлар халқаро стандартларга мос бўлади, шу тўғрисида чет мамлакатларда фитосанитария соҳасидаги барча ҳужжатлар тан олинади ва Ўзбекистондан маҳсулот экспорт қилишда қўшимча шартлар ўрнатилишининг олдини олади.

Шунингдек, қонун қабул қилиниши Фитосанитария чоратадбирлари комиссияси томонидан белгиланган бериладиган ўсимликлар учун хавфли организмлар, хусусан, бундай тартиб-таомилларга мувофиқ бевосита ёки потенциал хавф туғдириши мумкин бўлган зарарли организмлар мавжудлиги, уларнинг намоеън бўлиши ёки тарқалиши ҳақидаги ахборот алмашиш соҳасида конвенция аъзолари билан ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар беради. Қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун жиғдий хавф туғдириши мумкин бўлган ва факулдада вазиятларда халқаро харақатларни талаб қиладиган зарарли организмларга қарши курашиш бўйича исталган махсус кампанияларда Ўзбекистоннинг иштирок этиш имконияти пайдо бўлади. Фитосанитария хавфини таҳлил қилиш учун зарур бўлган техник ва биологик ахборот тақдим этиш юзасидан чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишда ҳуқуқий асослар яратилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани чегарасини ўзгариштириш, Термиз шаҳрининг чегарасини кенгайтириш ҳамда уларнинг чегараларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар. Мазкур масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адила вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиғи фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Таъкидланганидек, жорий йилда ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиғи фаолияти соҳасида 2 110 лойиҳа вазирликка келиб тушган. Шундан 1 907 лойиҳа тегишли экспертизадан ўтказилган, 203 таси Вазирлар Маҳкамаси Регламентида мос келмаслиги сабабли қайтарилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишини ягона электрон тизими (project.gov.uz) ишга туширилган.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиғи ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ҳал этилиши керак бўлган камчиликлар, муаммолар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд.

Бундан ташқари, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, тегишли таълим-тарбия бериш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қамайтириш, ҳуқуқий қўллашга тасвир кўрсатмайдиган умумий хусусиятга эга қонун ҳужжатларини қўриб чиқиш, тартибга солишни эскирган механизмларини ва ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига муайян соҳалардаги муносабатларни тартибга солуви норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимга солиш ва кодификациялаш бўйича ишлар лозим даражада эмас.

Фўқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига даҳл қиладиган, шунингдек, чет эллик инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг чет тилларга расмий таржимаси таъминланмаган. Шу муносабат билан сенаторлар мазкур йўналишлардаги ишларни қучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Бу масала юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Навоий вилояти ҳокимининг худудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитдилар.

Вилоятини комплекс ривожлантириш, инвестициялар жалб қилиш ва ўзлаштириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил этиш, кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда экспортни кенгайтириш, коммунал соҳадаги муаммо-

ларни бартараф этиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича бажарилган ишлар ҳақида парламент аъзолари томонидан батафсил ахборот келтирилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи вақтида белгиланган вазифалар доирасида умумий қиймати 2,9 триллион сўмлик 2693 лойиҳа амалга оширилди, 17 840 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 8 кичик саноат зонасига 332,6 миллиард сўмлик инвестициялар жалб қилиниши ҳисобига 96 лойиҳа амалга оширилди ва қарийб 600 янги иш ўрни яратилди.

Вилоятда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Yoshiar – kelajagimiz”, “Хар бир оила – тадбиркор” давлат дастурлари доирасида кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда. Кейинги икки йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда 130 дан ортиқ масала муҳокама этилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан 300 дан ортиқ мансабдор шахс ҳисоботлари эшитилди, долзарб масалаларни, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида тегишли тузилмаларга 250 дан ортиқ депутат сўрови ва мурожаатлар юборилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Навоий вилоятида мавжуд муаммоларни, жумладан, йўлларни таъмирлаш, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, ичимлик суви тармоқларини ва канализация тизимини қуриш, коммунал инфратузилмани ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш бўйича зарур чоралар қўришга эътибор қаратдилар.

Зарафон шаҳрининг ўзида қуввати 125 МВт бўлган иккита трансформатор кичик станциясини қуришга эҳтиёж борлиги таъкидланди. Зарафонда, Учқудук ва Хатирчи туманларида сув ўтказиш тармоқларини ётқизиш, Кармана тумани марказида замонавий канализация тизимини қуриш зарур.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Жумладан, Томди ва Учқудук туманларидаги олис ва йирик шаҳарларда аҳоли тарқоқ жойлашган қарамай, тез тебиий ёрдам хизмати бошқа туманлардагидек йўлга қўйилган. Яъни аҳоли пунктлари бир-биридан ўнлаб километр олисда жойлашганлиги эмас, балки аҳоли сони халқливи омили сифатида ҳисобга олинган. Бундай ҳолат тебиёт ходимлари учун ҳам, беморлар учун ҳам жиғдий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бу ва бошқа камчиликларни таҳлил қилиб, сенаторлар мазкур муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва маъсўл вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолигини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар сув объектиларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига йўборилган парламент сўрови натижаларини қўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, парламент сўровига берилган жавобда бу соҳада белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилаётганлиги баён этилган.

Жумладан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасида 2035 йилгача сув таъминоти ва канализация соҳасини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу концепцияга мувофиқ канализация тизимида суткасига 757 минг кубметр оқова сув қувватига эга сув тозалаш иншоотларини, 8605 километрик канализация коллекторлари ва тармоқларини қуриш ҳамда қуввати 906 кубметрик тозалаш иншоотларини, 2176,2 километрик канализация коллектор тармоқларини, 128 та насос станциясини ва 11 та зарарсизлантириш иншоотини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари кредитлари ва республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан 14,6 триллион сўм ўзлаштирилади. Натижада республикада канализация хизматлари билан таъминланганлик даражаси 31,4 фоизга етказилади. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан унинг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг йиғирма бешинчи ялпи мажлисида жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли илохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 17 масала, шу жумладан, 11 қонун қўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма бешинчи ялпи мажлиси ўз ишнини якуллади. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати**

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Халқ банкининг Тошкент шаҳар Сергели филиали биносида видеокузатув мосламаларини ўрнаш ишларини амалга ошириш бўйича ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони:
Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиали. 100024, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси, 9-уй. Телефон: (99871) 281-45-64.

2. Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни махсус ахборот портали www.xarid.uz сайтдан, шунингдек, душанба-жума кунлари соат 09.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.

3. Тижорат таклифлари 2019 йил 26 декабрь соат 15.00 га қадар қабул қилинади. Тижорат таклифларида танлов ўтказиш шартларида белгиланган барча ҳужжатлар бўлиши лозим.

“Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Нуробод кўчаси, 32-уй учун Абрарова Насиба Шарифовна берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент педагогика коллежи томонидан 1989 йилда Нурматов Дилфоз Мамуржоновна номига берилган МТ № 949078 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Тўйтепа шаҳри, О.Шарофитдинов кўчаси, 57-уй, 8-хонадон учун Шадманова Шаҳида Джумановнага берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Йўлдош 2-мавзеси, 10-уй, 1-хонадон учун Любимсева Нина Илична номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўқув даволаш тебиёт коллежи томонидан 1999 йилда Махмудова Хосиятхон Абдумановна номига берилган № 017212 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 22.10.2018 йилда № 644332 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “HERO ACADEMY” NTM (СТІР 305815064) таъсисчининг 17.12.2019 йилдаги №2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Чилонзор тумани, 17-мавзе, 28-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: +99899 514-97-13.

Шайхонтоҳур туман ТСРЎИ томонидан 27.03.2013 йилда № 006492-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “AIR HALAL” МЧЖ (СТІР: 302 553 631) таъсисчларининг 2019 йилдаги 02-сонли қарорига кўра ихтиёрий равишда

ТУГАТИЛАДИ

Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ҳайдар кўчаси, 260-уй манзилида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳар 8-Охангарон сайлов округига берилган гербли муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Чилонзор тумани, Гулистон мавзесида жойлашган “Касимов Хикматилла Сунайтиллаевич” ХК номига берилган нотураж бўйича 10:03:05:03:03:0050 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қибрай филиали биноси учун фасад харфлари, постер 24 дона, МДФ ёзуви 3 дона, стенд 4 дона, указатель 6 дона, банкомат учун указатель 3 дона, иш жадалви стенди 2 дона, короб банкомат 2 та, короб думалок 1 та, кулер учун 1 дона футляр, табличкалар 14 дона ясаб берувчи корхона ва ташкилотларини аниқлаш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таклиф ва мурожаатлар эълон қол этилганидан сўнг 7 кун мобайнида ёпиқ конвертларда қуйидаги манзилларда қабул қилинади. Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебинисо кўчаси, 7-уй. Телефон: 150-20-87.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 18 декабрь кунини ҳаво ўзгариб турди, вақти-вақти билан ёғин ёғади. Ҳародан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи – 3-5 даража илақ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво ҳудудида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.

“ЯШИЛ ОЛИЙҒОҲЛАР” РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

Дунё олимпларининг таъкидлашларича, XX асрнинг 60-йилларидан буён атроф-муҳит муҳофазаси ер юзининг барча мамлакатлари учун долзарб муаммага айланди.

Мавжуд масаланинг ечимларидан бири сув ва электр манбаи захираларидан унумли фойдаланиш усуллари, бундан ташқари, чиқиндилар муаммосига эътиборсиз бўлмаслик каби масалалар ечим учун дунёдаги олий ўқув даргоҳлари томонидан тақлиф этилаётган гоғлар янги мудаодир. Бу борада муваффақият қозонган таълим даргоҳларининг ютуқлари Индонезия университетининг 2010 йилдаги ташаббусига кўра дунё университетларининг халқаро Green Metric рейтингини таркибига киритилиши билан баҳоланади. Яқинда эса “яшил” олий таълим даргоҳларининг навбатдаги рўйхати эълон қилинди.

Экологик муаммоларнинг ҳал этилиши масаласида Ўзбекистон ҳам қўл қовуштириб турмай, мазкур жараёнда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбекистондан ягона вақил сифатида 2019 йил учун Green Metric

рўйхатидан 85 та дунё мамлакатларидан 780 та университетлар ичида 374-ўринни эгаллашга муваффақ бўлиб, дунё ҳамжамиятига “экологик соғлиқ” инфраструктураси ривожига ҳисса қўшаётганларини намоеън этишди. Олий таълим маскани ҳудудида транспортлар харақатларини меъёрга солиш, лиёдалар харақатини оширишни ташкил этиш бўйича Transportation талабларига амал қилиш жиҳатдан ЎЗМУ дунёда 38-ўринда туради.

Ўзбекистоннинг илк бор шу каби рейтингда иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Олий ўқув юртларига “экологик соғ” деб баҳо берилишида таълим даргоҳларининг электр манбаи ва сувни унумли сарфлаши, чиқиндиларни қайта ишлашга, жумладан, мобиллик ва таълим инфраструктураси жабҳаларидаги фаоллиги инобатга олинади.

Ўзбекистон Миллий университети Халқаро алоқалар бўлими

ҚУВНОҚЛИК СТАРТИ

Миробод туман ҳокимлиги ташаббуси билан спорт ва умуман жисмоний тарбия борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири – тумандаги корхона ва ташкилотлар ўртасида “Қувноқ стартлар” спорт мусобақалари ташкил этилди.

Бу каби тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсад аҳоли орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан бир қаторда, ташкилотлар ўртасида дўстона алоқаларни янада кучайтириш, харақатли ўйин турларини омма-

лаштиришдан иборатдир. Бундан ташқари, бу каби харақатлар туман аҳолисининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган ҳавас ва интилишини ҳамда жамиятида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, миллий гуруру ва ифтихор туйғусини янада оширишга омили бўлмоқда.

Кўтаринки руҳда ўтган мусобақада 1-ўринни туман “Маҳалла” хайрия жамғармаси, 2-ўринни туман тебиёт бирлашмаси ва 3-ўринни эса туман ҳокимлиги жамоалари эгаллашди.

ИМКОНИАТЛАР САРИ ҚАДАМ

Тумандаги 328-умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида